## «Алпомиш» достонининг юбилейи олдидан

# ЯНГИ ФИЛЬМ ПРЕМЬЕРАСИ

*Мамлакатимизда халқ оғзаки ижоди дурдоналаридан бўлмиш «Алпомиш» достони юбилейига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Асарнинг тўла матни нашр этиб бўлинди. Рассомлар достон қаҳрамонлари қиёфаси акс эттирилган санъат асарларини яратмоқда. Ўзбек кино ижодкорлари ҳам юбилей муносабати билан қатор фильм яратишни режалаштирган. Республика киночилар уйида шу фильмлар дебочаси - «Ўзкинохроника» маҳсулоти бўлган «Алпомиш» илмий-публицистик фильм премьераси ўтказилди. Фильм сценарийсини фольклоршунос олимлар Муҳаммадали Қўшмоқов билан Шомирза Турдимов ёзган. Режиссёр ва оператор Элдор Мамедов.*

*Фильм ғояси қаҳрамонлик, шижоат, меҳр-оқибат, халқнинг эзгу истак-ниятлари, бахтли кунлар орзуси руҳи билан йўғрилган. Фильмда миллий удум ва урф одатларимиз, маросимларимиз билан бир қаторда юртимиз истиқлолини, Наврўз ва Мустақиллик байрамларимизни акс эттирувчи лавҳалар, «Алпомиш» юбилейига бағишлаб Термиз шаҳрида ўтказилган халқаро кураш чемпионатидан, Асакадаги автомобил заводи фаолиятидан кўринишлар ҳам ўз ифодасини топган.*

*Фильм лавҳалари асосан Алпомиш юрти - Сурхондарё Бойсунида, Қашқадарё ва Қорақалпоғистонда олинган. Алпомиш ролини Қашқадарё вилоят театрининг актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Баҳриддин Раҳмонов, Ойбарчинни - Термиз театри артисти Дилором Файзиева ижро этган.*

**Б.МАНСУРОВ, ЎзА мухбири.**

## «Ишонч» танловига

# ҚУМ УСТИДА ҚЎРҒОН ОМОНАТ

### Самарқанд футболининг келажаги ҳақида мулоҳазалар

**Маълумки, миллионлар севган ўйин- футболдир. Спортнинг бошқа турлари одамларни бунчалик ўзига жалб қила олмаган. Самарқандда ҳар бир маҳаллада, ҳар бир кўчада ҳаваскорларнинг футбол жамоалари бор. Болалар бўш вақтларининг асосий қисмини коптоқ тепиш билан ўтказишади. Уларнинг бу ажойиб спорт турига бўлган қизиқиш, малакасини ошириш учун мактаблар фаолият кўрсатмоқда. Бироқ биз ўзбек профессионал футболининг бугуни ва келажаги ҳақида баъзи мулоҳазаларимизни баён қилмоқчимиз.**

Ўзбекистонда футболни ривожлантириш, халқаро даражага кўтаришга кўмаклашиш мақсадида Республика Вазирлар Маҳкамаси 1996 йил 17 январда «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» махсус қарор қабул қилди. Шундан сўнг жойларда футболга муносабат анча яхшиланди. Ўйингоҳлар таъмирланди, футбол жамоаларига ҳар тамонлама ёрдам берилди. Шунинг натижаси ўлароқ Самарқанд вилоят хокимлиги 1996 йил 26 июнда «Вилоят олимпия заҳираси ўсмирлар футбол мактаб-интернатини ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Ишлар жадал бошланиб кетди. Вилоят халқ таълими бошқармаси тизимида ихтисослашган футбол интернати фаолиятига асос солинди. Унга Самарқанд тиббиёт институти табиий фанлар кафедрасининг фойдаланилмаётган биноси ажратиб берилди. Вилоят хокимлиги ва халқ таълими бошқармаси кўмагида бино қисқа вақтда таъмирланиб, 1996-97 ўқув йиллари учун дастлабки ўқувчилар қабул қилинди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, вилоят халқ таълими бошқармаси ўша вақтда янги ташкил этилган футбол интернатини спорт кийимлари, футбол анжомлари билан таъминлади. Шаҳар марказидаги душ, сауна, кийиниш хоналари мавжуд бўлган «Ёшлик» ўйингоҳи футбол интернати ихтиёрига берилди.

Юқори идораларнинг кўмаги билан футбол интернати бир йил ичида ажойиб натижаларга эришди. Хусусан, 1997 йилда ва 1998 йилда футбол интернатлари ўртасида ўтказилган республика биринчилигида Самарқанд олимпия заҳираси футбол интернати жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Бунда ёшларга футбол сирларини ўргатаётган Камол Газзаров, Қаҳрамон Маматқулов, Хушвақт Мухторов, Владимир Егоров, Владимир Наренков, Валерий Маковиенко, Хачатур Заргарян каби, қолаверса футбол интернатининг ўша вақтдаги директори Эгамберди Хуррамовнинг хизматлари каттадир. Ўтган йили интернатнинг биринчи битирувчилари мустақил ҳаётга йўлланма олишди. Уларнинг барчаси иккинчи лига футбол жамоалари таркибидан ўрин эгаллашди. Интернатнинг биринчи битирувчиси Темур Облоқулов эса «Самарқанд» жамоасига қабул қилинди. У Ўзбекистон терма жамоасининг аъзоси ҳамдир.

Шу ўринда бир маълумотга эътибор қилиш керак, деб ўйлайман. Ҳозир Самарқанд вилоятида халқ таълими бошқармаси тизимида 44 та спорт мактаби ва 23 та футбол мактаби мавжуд. Кўп йиллардан бери фаолият кўрсатишига қарамай, хабардор кишиларнинг айтишича, уларда профессионал жамоалар учун футболчилар тайёрланмаган. Бу мактабда шуғулланганларнинг айримларигина қуйи поғонадаги футбол жамоалари таркибига қабул қилинган, холос.

—Бу масалада бизнинг ҳам мақтанадиган жойимиз йўқ,-дейди Самарқанд олимпия заҳираси ўсмирлар футбол интернати директорининг спорт ишлари бўйича ўринбосари Владимир Елисеев, - энг иқтидорли ўқувчилар, битирувчиларни интернатнинг собиқ директори Эгамберди Хуррамов «Самарқанд» профессионал футбол жамоасига бир неча бор тавсия этганди. Аммо жамоа раҳбарлари ва мураббийлари футбол интернати тарбияланувчиларини хатто синаб кўришни ҳам ўзларига эп кўришмади. Холбуки, интернатимизда Илҳом Юнусов, Шерзод Ҳасанов, Лазиз Ўсаров, Холмурод Жўрақулов, Жамшид Тўхтамишев, Алишер Хуррамов каби ёш иқтидорли футболчилар кўп. Уларни футболга янада қизиқтириш, қўллаш, катта майдонлар ва мусобақаларга олиб чиқиш керак. Ана шундагина ишимизнинг натижаси кўзга кўринади.

В.А.Елисеевнинг куйиниши бежиз эмас. Самарқанддаги профессионал футбол жамоаларининг раҳбарлари, мураббийлари, ўйинчилари олимпия заҳираси футбол интернати билан алоқани узиб қўйишган. Бу ерга келиш, ўқувчилар билан суҳбатлашиш, гоҳида машғулот ўтказиш, «Самарқанд» нинг ўйинларига таклиф этиш уларнинг хаёлида ҳам йўқ. Балки бу тадбирлар уларга майда-чуйда ва ортиқча туюлаётгандир. Ахир, айни пайтда «Самарқанд» жамоаси Ўзбекистон чемпионатида пешқадамликка даъвогарлик қилмоқда. Лекин, бу ниманинг ҳисобига бўлаяпти? Эътибор берилса ҳозир, «Самарқанд» да тўп сураётган ўйинчиларнинг аксарияти четдан таклиф этилган. Улар қачондир барибир «Самарқанд»ни тарк этишади. Демак, бугунги муваффақиятлар ҳам вақтинчаликми? Ҳамма соҳада ҳам барқарорлик пойдеворнинг ва заҳиранинг мустаҳкамлиги билан белгиланади. Бинобарин, «Самарқанд» футбол жамоасининг бугунги муваффақиятлари қум устига қурилган иморатдек омонат бўлмаслиги керак. Бунинг учун Самарқанддаги олимпия заҳираси ихтисослашган футбол мактабини энг аввало «Самарқанд» профессионал футбол жамоаси, вилоят футбол федерацияси, футболни ривожлантириш жамғармаси оталиққа олишса айни муддао бўларди.

Энди аччиқ бўлса-да, бор ҳақиқатни айтиш керак. Самарқанддаги олимпия заҳираси ихтисослашган спорт интернати биноси бугун ўта таъмирталаб бўлиб қолган. Спорт зали ярим вайрона ҳолда. Душхоналар ҳақида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. Бино деразаларининг катта қисми ойнасиз. Амалий машғулотларни ўтказиш учун стадион йўқ. Олисдаги стадионларга ўқувчиларни олиб бориб бўлмайди. Автобус яроқсиз ҳолга келган. Дарвоқе, шаҳар марказидаги барча қулайликларга эга бўлган «Ёшлик» ўйингоҳи 1992 йил охирида теннис корти қуриш мақсадида бузиб юборилди. Янги стадион қурилди албатта. Унга ҳам «Ёшлик» номи берилди. Лекин футбол интернати каттароқ амалий машғулотларда фойдаланиш тавсия этилган бу янги ўйингоҳда на кийиниш хонаси, на душ ва на бошқа қулайликлар бор. Ҳатто сув ҳам йўқ. Стадионнинг яшил қопламаси талабга жавоб бермайди. Ўйингоҳ атрофини ўраб турувчи панжара деворлар пастлигидан тўп серқатнов кўчага чиқиб кетаверади. Унинг ортидан чопган боланинг машина серқатнов кўчага чиқиши хавфсизликка мутлақо зиддир.

- Кейинги вақтларда ҳатто оддий анжомларга ҳам мухтож бўлиб қолдик,- дейди футбол интернати директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Хуршид Хожиқулов, - ҳозир оддий футбол тўпи ҳам йўқ. Дастлабки вақтда олинган спорт либослари эскириб кетди. Қисқаси футболни ривожлантиришга оид қарорлар чиққан вақтда бир қўллашди-ю, кейин ҳамманинг ёдидан кўтарилди. Бугун интернатдаги аҳвол ҳеч кимни қизиқтирмаяпти, шекилли.

Бу гап айни ҳақиқат. Гарчи Самарқандда олий лигада тўп сураётган «Самарқанд» жамоасини қўллаб-қувватлаш учун вилоят ҳокимлиги ва футбол федерацияси ташаббуси билан катта ва кенг кўламли тадбирлар амалга оширилаётган бўлсада, келажакда шу жамоани иқтидорли ўйинчилар билан таъминлаши мумкин бўлган ихтисослашган футбол интернати кўпчиликнинг назаридан четда қолган. Биринчидан, кейинги уч йилда ҳеч бир ташкилот интернатга молиявий ёрдам берган эмас. Иккинчидан, шу вақт ичида бирорта ҳам зарур спорт анжомлари олинмаган. Ўтган йили вилоят халқ таълими бошқармаси ўқувчиларга спорт костюмлари ҳадя этгани, бу йил Наврўз байрамида Боғишамол туман ҳокимлиги магнитафон совға қилгани, футболни ривожлантириш жамғармаси интернат жамоасининг республика мусобақасига боришини таъминлаганини эътироф этган ҳолда, бу масала қачон чинакамига ўз ечимини топишини ҳеч ким айтиб беролмайди. Учинчидан, Самарқанд шаҳридаги стадионлар маъмуриятлари ижара ҳақи тўлаш зарурлигини рўкач қилиб, футбол интернати ўқувчиларининг амалий машғулотларни яшил майдонларда ўтказишларига тўсқинлик қилишмоқда. Хуллас, муаммолар кўп. Улар қачон ҳал бўлади? Самарқанд футболининг келажаги худди шу масалалар ечимига боғлиқ.

**Рустам ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири.**

## МАКТАБ ОРОМГОҲЛАРИДА

Қашқадарё вилояти Усмон Юсупов тумани мактабларида ўқувчиларга пухта билим бериш билан бирга, уларни маданий-маънавий, эстетик, жисмоний жиҳатдан узвий тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда «Миришкор» ширкат хўжалиги ҳудудида бир йўла тўртта мактаб оромгоҳи ишга туширилди. Бунинг учун давлат бюджети ва хўжалик ҳисобидан 1 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Оромгоҳларда бир сменада 150 нафардан зиёд болалар мазмунли дам олади. Мактаб кутубхонаси, компьютер заллари, маданият саройи ҳамда замонавий спорт мажмуалари улар ихтиёрида.



**Чирой очаётган гўзал юртимнинг - жамолига боқиб кўзлар толажак. Дилида бир ўй бор ҳар бир мардимнинг: «Биздан озод, обод Ватан қолажак».**

## НИКОҲ УЗУГИ ТАРИХИДАН

● Мухаббат рамзи, эр-хотин орасидаги вафо-садоқат белгиси ҳисобланган никоҳ узуги қачондан расм бўлган? Гап шундаки, қадимги кўчманчилар ўз севгилиси қочиб кетмаслиги учун оёқларига ялпиздан тайёрланган чамбар билан боғлаб қўйишар экан. Кейинчалик ялпиз ўрамаси чарм билан алмаштирилди. Сўнгроқ тош узуклар пайдо бўлди.

● Римликлар ўз қайлиқларининг нозик бармоқларига дастлаб темир, кейинроқ эса тилло узук тақишга одатланишди. Ўз навбатида келинлар ҳам жуфти ҳалолларига мухаббат рамзи сифатида узук тақадиган бўлишди.

● Ўнг қўлдаги тўртинчи бармоққа узук тақиш қадимги Мисрда одат тусига кирган. Ўшанда Фиръавнлар тўртинчи бармоқнинг юрак билан алоқаси бор деб ҳисоблашган.

● XV асрда Европадаги қирол саройларида Ҳиндистондан келтирилган олмослар кенг тарқалиб кетди. Узукни олмос билан безатиш қандайдир урф бўлди.

Дастлаб ундан қайта ишланмаган ҳолатда фойдаланишди. Сўнгра тўртбурчак пирамида ҳолида тилло гардишга ўрнатилди. Бу хилдаги узук Шек Бор Карл довюракнинг қизи Мария Бургундскаяга ҳадя қилинган эди.

● XVI асрдаги қўшқават никоҳ узукларига «Осмондан ерга тушган никоҳни одам қўли билан ажратиш мумкин эмас», дея муносабат билдиришган. Узукларни ёқутлар билан безаш фақат киборлар ҳаётигагина хос бўлиб қолди.

● 1554 йилда Мария Теодор Испаниянинг бўлажак қироли Филипп иккига турмушга чиққанида бармоғида оддийгина никоҳ узуги бўлган эди.

Шу тариқа никоҳ узуги ер юзида оммалашиб кетди.

**А.АЛИЕВ тайёрлади.**

## ЮНОН МУТАФАККИРИ ДЕМОКРИТ ДЕЙДИКИ...

● Бировга заррача бўлса ҳам яхшилик қилиш қўлингдан келса, зинҳор уни кечиктирма. Катта ваъдалар бериб, бажармагандан кўра, оз нарса ваъда қилиш-у, лекин уни ўринлатиш яхшироқдир.

● Бошингга зўрроқ қайғу-ҳасрат тушса, уни яхши ўй-фикрлар, хайрли ишлар билан қувиб юбор.

● Ёмон ишни чиройли сўзлар билан ёпиб бўлмаганидек, яхши ишни ёмонлаган билан барибир, булғатиб бўлмайди.

● Ярамас, бузуқ одамларга эргашиш, албатта ёмон, аммо яхши одамларга тақлид қилишни истамаслик ундан ҳам ёмонроқдир.

● Ҳамма нарсани билишга киришиб, ҳеч нимани билолмай қолгандан кўра, оз нарсани пухта билиш маъқул.

● Киши ўзига кўрсатилаётган иззат-ҳурматга қанчалик кам муносиб бўлса, унинг асоссиз даъволари ва сурбетлиги ҳам шунга мос равишда ортиб боради.

● Тақдир зарбаларини чиппакка чиқарувчи куч - мардликдир.

## МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

**(14 ИЮНДАН 20 ИЮНГАЧА)**

● **ҚЎЙ** — Ишлаш учун яхши шароитлар жума кунигача давом этади. Оилада фарзандларингиз ҳамда севикли кишингиз билан муаммолар юзага келиши мумкин.

● **БУЗОҚ** — Кўпгина муаммолар, айниқса, уй-жой, кўчмас мулк масалалари, унинг олди-сотдиси, алмашув кабилар ўз ечимини топади. Фарзандларингизга нисбатан диққат-эътиборингизни кучайтирсангиз, кўнгилсизликларни четлаб ўтасиз.

● **ЭГИЗАКЛАР** — Ушбу кунларда аввалги хизматларингиз натижаларидан унумли фойдалана олсангиз, ўйлаган режаларингиз амалга ошади. Бироқ оилангизда муаммолар, соғлиғингиз, узоқ сафарлар билан боғлиқ масалалар юзага келиши эхтимоли бор. Пайшанба ва жума кунлари пул билан бўладиган ҳисоб-китобларда зийрак бўлинг.

● **ҚИСҚИЧБАҚА** — Иш кунлари сизга яхши кайфият ва тани-соғлик ато этиб, сешанба, шанба кунлари эса бироз ҳорғинлик, руҳий-ҳиссий безовталик келтириши кутилмоқда. Севган касбингиз Сизга даромадлар олиб келиши мумкин.

● **АРСЛОН** — Сиз учун фаоллик даври бошланмоқда. Келажакни кўзлаб ўз соҳангиз бўйича стратегик режалар тузинг. Оила аъзоларингиз билан табиат қўйнида дам олишга ҳаракат қилинг.

● **ПАРИЗОД** — Бу ҳафта омадли келиши кутилмоқда. Даромадингиздан оқилона фойдалансангиз, ортиқча сарф-харажатлардан қутиласиз. Мансаб йўлида босаётган шахдам қадамингиз ижобат бўлади.

● **ТАРОЗУ** — Иш кунлари касб фаолиятингизда юксак кўрсаткичларга эришасиз. Деярли барча амалга оширган ҳаракатларингиз у ёки бу даражада бароридан келади. Дам олиш кунлари тўлақонли ҳордиқ руҳий мувозанатингизни мустаҳкамлайди.

● **ЧАЁН** — Душанбадан пайшанбагача эски қадрдонларингиздан, ҳомийларингиздан қўллаб-қувватлашларини сўранг. Мансабингизда кўтарилишингиз ёки қулай ишга жойлашишингиз эхтимолдан холи эмас. Бироқ жума, шанба ва якшанба кунлари хўжалик масалалари, қариндош-уруғчилик, болачақалар эсанкиратиши мумкин.

● **ЎҚОТАР** — Иш кунлари қувватингиз хизмат ишларига етади-ку, бироқ жума кунига келиб анча танг ҳолга тушиб қолишдан эхтиёт бўлинг. Хизматда ва оилавий ишларда муаммолар деярли юзага келмайди. Дам олиш кунлари дала ҳовлингиздаги соғлом ҳордиқ сизга анча фойдали бўлади.

● **ТОҒ ЭЧКИСИ** — Юзага келаётган барча ишларингизни пайшанбагача ҳал қилсангиз, ушбу ҳафта сиз кутган натижаларни беради. Шуни эсда тутингки, вояга етган фарзандлар ва катталар орасида низолар юзага келиши эхтимолдан холи эмас.

● **ҚОВҒА** — Пайшанба кунидан бошқа кунларда ўйлаган режаларингиз ўз самарасини беради. Сешанба ва чоршанба кунлари ақлий фаолият учун қулай бўлади.

● **БАЛИҚ** — Агар кайфиятингиз инжиқликларидан устун келсангиз, албатта аввалари бажарилиши қийин бўлган барча ишларни уддасидан чиқасиз. Ҳафтанинг сўнгги уч кунида пул мавзусида оғиз оча кўрманг.


## ЗИЁРАТГА ЧОРЛАЙМИЗ!

**Барча корхона, муассаса раҳбарлари, касаба уюшмалари қўмиталари диққатига!**

*Мусулмон оламининг энг азиз, муқаддас зиёратгоҳларидан бири ҳисобланмиш Исмоил ал-Бухорий мажмуасини ва шунинг билан бирга қадимий Самарқанднинг оламшумул аҳамиятга эга бўлган ёдгорликларини уюшган ҳолда зиёрат қилишга таклиф этамиз.*

*Биз сизларга қуйидаги хизматларни тавсия қиламиз: - жойлаштириш, овқатланиш, экскурсиялар, транспорт хизмати ва ҳоказо.*

САВОБ ИШГА ШОШИЛИНГ!

Манзилимиз: «Афросиёб» меҳмонхона мажмуаси 703000 - Самарқанд шаҳри, Регистон кўчаси 2, Факс: 3662311044. Тел: 3662312080



ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир хайъати: Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб- «Ишонч»), Ч.Латипов (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти —21.00 Топширилди 23.00

Буюртма Г— 0464. 1 2 3 4 5 6